

Фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш хизматларини кўрсатиш тўғрисида

71 -сонли ШАРТНОМА

2022 йил « 5 » сентябрь

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси (келгусида “Бошқарма” деб аталувчи) номидан Бош бошқарма бошлиғи А.А.Ташпулатов, Низом асосида фаолият юритувчи бир томонидан ва ТошДТЧ номидан лектор С.М. Туррабджиев,  
Низом асосида фаолият юритувчи  
(келгуси Томонлар деб аталади) ушбу шартномани куйдагилар хақида туздилар:

**1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. Ушбу шартнома бўйича “Буюртмачи” нинг топшириғи билан “Бошқарма” ўз зиммасига профилактика инспекторларини ажратган холда (куйдаги ходимлар деб аталади) жамият худудида ва унинг атрофида доимий тартиб ўрнатиш, қонун бузилиши, жиноят содир бўлиши ҳолларини олдини олиш ҳамда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

1.2. “Буюртмачи” эса ушбу шартнома шартларига асосан кўрсатилган хизмат учун тўловлар ўз вақтида тўланишини таъминлайди.

**2. ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ**

2.1. “Буюртмачи” ўзини ички молиявий имконияти ва ўзига хос хусусияти, яъни жамиятнинг харажатлар сметасини келиб чиқиб, Кузатув кенгашининг қарори билан профилактика инспектори ажратиш хақида “Бошқарма” билан келишади.

2.2. Объект муҳандислик-техник ва хавфсизлик тизимлари билан “Буюртмачи” томонидан жиҳозланади.

2.3. “Бошқарма” “Буюртмачи” га ушбу шартнома шартларини бажариш учун 2 ( икки ) нафар ходим ажратади.

2.4 Ушбу шартнома “БУЮРТМАЧИ” ҳамда “БОШҚАРМА” томонидан тасдиқланганидан сўнг юридик кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабрь кунга қадар амал қилади.

**3. ХИСОБ КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

3.1. Ўзаро келишилган нарх асосида “Буюртмачи” ва “Бошқарма” томонидан тасдиқланган ва ушбу шартномани ажралмас қисми бўлган Тошкент шаҳар ИИББ билан келишилган холда ягона смета тузилиб, унга мувофиқ белгиланган ойма ой тенг қисмларга бўлиб “Бошқарма”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

3.2. Шартноманинг ажралмас қисми бўлган смета “Буюртмачи” билан келишгандан сўнг тасдиқланади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматлар учун тўлов Буюртмачи томонидан Бошқарманинг ҳисоб рақамига ушбу Шартномада назарда тутилган ойлик тўловнинг 100 фоизини кейинги ойнинг 5 санасигача ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Кўрсатилган хизматлар учун тўловларнинг \_\_\_\_\_ қисми бюджет маблағлари ҳисобидан, қолган 66 000 000 с. (ККБ сиз) қисми бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3.4. Жамият “Бошқарма” ва “Буюртмачи” ўртасида ойма-ой ўзаро ҳақиқий ишлаган ходимлар сонига, фақатгина “ходим”нинг бетоблик, ўқиш ва меҳнат таътили даврларни инобатга олган тарзда, счет-фактура расмийлаштирилган холда тўловни амалга оширади.

3.5 Ҳукумат қарорларига асосан энг кам иш хақи ўзгарган тақдирда, тузилган ягона смета қайта кўриб чиқилади.

**4. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**4.1. “Бошқарма”нинг мажбуриятлари:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатдан янги тизимни жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-3528 қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг амалдаги “Ички ишлар идоралари ходимлари учун бозор ва савдо марказлари худудида

оини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича услубий қўлланмани  
“Жамият”га буйруғи талаблари асосида “Буюртмачи” билан келишилган ҳолда жамият  
профилактика инспекторлари хизмат вазифалари бажарилишини тўғри ташкил этиш;

Узбекистон Республикасининг “Жамият” ( институт, университет, корхона, ташкилот,  
корхона, марказ, бозор ва бошқалар) фаолиятига оид амалдаги мавжуд қонун ҳужжатларини  
қонуни амалга ошириш ва сотувчи, харидор ҳамда тадбиркорлар ўртасида кенг камровли  
тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишларини ташкиллаштириш;

- жамият худудига келиб-кетиладиган фуқароларни назоратга олиш, уларнинг шахсий хавфсизлик  
таъминлаш, тезкор чора-тадбирлар этказиш йўли билан содир этилиши мумкин бўлган қўпуровчилик  
харакатларнинг олдини олишга қаратилган ишларни ташкиллаштириш;

- жамиятнинг савдо қилиш худудлари, унинг атрофида ва автоуловлар тўхташ жойларида жамоат  
тартибини сақлаш, жиноят содир этилишини, тадбиркор ва харидорларнинг мол-мулкларининг  
ўғирланиши ёки уларга шикаст етказилишини олдини олиш;

- жамиятга қарашли бўлган юк сақлаш омборхоналарида тадбиркорларнинг мол-мулкни  
қўриқлаш ва ўғирлик, талон-тарож қилиш ҳолатлари содир бўлишига йўл қўймаслик;

- жамият худудига пиротехника воситалари, Республика худудига ноқонуний равишда олиб  
келинган товар-моддий бойликларини кириб келиши ҳамда сотилишини олдини олиш;

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ паспорт тизими талабларини бажарилишини назорат қилиш;  
- ДСИ, ДСЭНМ, бозор маъмурияти ходимлари билан ҳамкорликда белгиланмаган  
жойларда дўконлар оралиғидаги ва фуқаролар ўтадиган йўлакларда, расталар оралиғидаги  
ерда, транспортлар учун белгиланган йўллар ва автотураргоҳларда ноқонуний савдо-сотик  
ишларни бартараф этиш ва йўл қўймаслик.

- фавқулодда ходисалар юзага келганида барча тегишли органлар ходимлари билан ҳамкорликда  
фуқароларни эвакуация қилиш, тезкор чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, бу борада укув  
машгулотларни мунтазам равишда режали утказиб бориш:

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бевосита амалга ошириш ишларини ташкил этишда  
ЖҚБ, ЙХХБ, ЁХБ, ҚБ инспекторлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

- ҳуқуқбузарлик содир этилишини эҳтимоли юқори бўлган жойларни доимий назорат қилиб  
бориш.

#### **4.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:**

- ушбу шартнома бўйича тўловларни ўз вақтида амалга ошириш;

- “Бошқарма” ходимларнинг хизмат вазифаларини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар  
яратиш;

- худудда қонунчилик мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва хавфсизликни таъминлаш  
тўғрисида “Бошқарма” томонидан киритилган тақдимномалар юзасидан чора-тадбирлар белгилаш.

- “Бошқарма” билан келишилиши ва тасдиқланиши лозим бўлган ҳужжатларни ўз вақтида  
ўрганиб чиқиб, тасдиқлаш.

## **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. «Буюртмачи» томонидан уз вақтида пул туловлари амалга оширилмаган ҳолларда, ҳар бир  
кечиктирилган кун учун 0.5 фоиз миқдорда, лекин туланмаган сумманинг 50 фоизидан ошмаган  
миқдорда «Бошқарма»га жарима тулайди.

5.2. Ижрочнинг ходими ишда асосиз равишда бўлмаганлиги учун ижрочи Буюртмачига бир  
кунлик профилактика инспектор хизмати нархнинг 10 фоизи миқдорида жарима тулайди.

5.3. Ижрочи ушбу Шартнома ва унинг иловаларида кўрсатилган мажбуриятларни тегишли  
даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачисга етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

5.4. Ушбу шартномада кузда тutilмаган ҳоллатлар бўйича томонларнинг жавобгарлиги  
Узбекистон Республикаси «Хужалик юрутувчи субъектларнинг фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий  
базаси тўғрисида»ги қонунига асосан тартибга солинади.

## **6. МАХСУС ШАРТЛАР**

6.1. Ушбу шартномага мувофиқ ажратилган ходимларнинг иш фаолияти «Бошқарма» томонидан  
хизматга жалб этишнинг катъи меъёрий ва ягона жойлашув режаси асосида амалга оширилади.

6.2. «Бошқарма» ажратилган ходимларнинг хизмат вазифаларини бажаришини назорат қилиб  
боради, «Буюртмачи»нинг асосли расмий хатига асосан уз хизмат вазифаларига совуққонлик билан

иш фаолиятида камчиликларга йул куйган ходимларга нисбатан ИИБнинг Низом ва асосида тегишли чоралар куради.

3. «Бошкарма» жамият худудида жиноятчилика карши кура шва конунчиликни мустахкамлаш асосида амалга оширилган ишлар юзасидан зарур холларда «Жамият» га ёзма маълумот такдим қилинади.

### 7. Форс-мажор холатлар

7.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боглик булмаган сабабларга кура ва энгиб булмас куч мавжуд булган такдирда, ер кимираши, сув тошқини, ёнгин содир булиши, Хукуматнинг таъкикловчи карорлари мавжуд булиш холларда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларнинг бажарилмаслигига жавобгар эмас.

7.2. Бартараф килиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этганлигини Ўзбекистон Республикаси Хукуматнинг шунга оид карорлари ёки бошка ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалар унинг етарли даражадаги тасдиғи булиб хисобланади.

7.3. Форс-мажор холат юзага келганида бир тараф иккинчи тарафни 3 кун ичида ёзма равишда хабардор килиши шарт.

### 8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартнома буйича тарафлар уртасидаги келишмовчилик ва низолар узаро келишув, музокара йули билан хал қилинади.

8.2. Агар келишмовчилик ва низолар узаро келишув ва музокара йули билан хал этилмаса, улар конун хужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иктисодиёт судида курилишига тегишли булади.

### 9. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Ушбу шартномага киритилган хар кандай қўшимча ва узгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб хар иккала томон имзолаган холлардагина хақиқий кучга эга булади.

9.2. Ушбу шартномада курсатилган ходимлар сони кискартирилиши кузда тутилган холлатларда тарафлар бир-бирини бир ой олдин ёзма равишда огохлантирадилар.

9.3. Ушбу шартнома тарафларнинг узаро келушувига биноан ёки томонлардан бирининг шартнома шартларига риоя этмаган холда иккинчи тараф уни бир томонлама, муддатидан олдин бекор қилишга хақлидир ва бу хақда 1 (бир) ой олдин ёзма равишда маълум қилади.

9.4. Ушбу шартномада назарда тутилган бошка барча масалаларни тарафлар Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодекси хамда «Хужалик юрутувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тугрисида» ги Конун асосида хал этадилар.

9.5. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга булган 2 (икки) нусхада тузилган ва имзоланган кундан бошлаб тарафлар уз мажбуриятларини бажаргунларига кадар амалда булади.

### 10. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛГОХИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ

“Бошкарма”

“Буюртмачи”



Тошкент шаҳар ИИББ

бошлиғи

А.А.Ташпулатов

юрисит Макеев Р.



Handwritten signatures and stamps.



Тошкент шаҳар ИИББ МваМТГБ  
бошлиги подполковник

2022 йил

Ф.Шамсутдинов

Тошкент шаҳридаги ИИББ томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида хизмат кўрсатувчи профилактика катта инспекторига  
01.01.-31.03. 2022 йил ҳаражатлари учун

СМЕТА-ҲИСОБИ

Лавозим номи	Лавозим мавози	Махсус унвон мавози	Ушбу хизмат йиллари	Муқофот	Моддий ёрдам	Миллат таърифига эришган	ХПБ ҳодимларга 20%	Моддий рағбатлантириш махсус фонди	озик-овқат учун компания	Лавозим сони	Бир ойлик қиймат	Ўзб.Респ. Солиқ Конвенцияси ва Ўзб.Респ. Президентининг ПҚ-4086-сонли қарорига асосан Ягона ижтимоий тулов 25%	3 ойлик қиймат
профилактика катта инспектори (подполковник)	2 019 654	2 057 466	509 640	679 520	339 760	807 862	403 931	1 022 675	871 320	2	17 423 654,00	3 920 254,00	64 031 724,00
Жами:										2	17 423 654,00	3 920 254,00	64 031 724,00

Иш ҳақи бўйича 3 ойлик ҳаражатлар жами: - 52 270 962 сум

Иш ҳақи ва ЯИТ бўйича 3 ойлик ҳаражатлар жами: - 64 031 724 сум

Иш ҳақи ва ЯИТ бўйича 1 ойлик ҳаражатлар: - 21 343 908 сум

Бошқа ҳаражатлар жами: - 1 968 276 сум

Шундан: Далат суғуртаси - 27 000 сум

Кийим кечак ҳаражатлари - 1 150 968 сум

Бошқа ҳаражатлар - 790 308 сум

Бошқа ҳаражатлар 3 ойга: 1 968 276 сум

Бошқа ҳаражатлар 1 ойга: 656 092 сум

Жами: 3 (уч) ойга -

Жами: 1 (бир) ойга -

66 000 000 сум

22 000 000 сум

"КЕЛИШИЛГАН"

Handwritten signatures and initials in the left column.

Тошкент шаҳар ИИББ МТХ бошиги  
катта лейтенант

Тошкент шаҳар ИИББ ПЦнаЖТСБ  
вафдор

Тошкент шаҳар ИИББ МТХ РБ бошлиги  
капитан

"Тайёрлади"

"Текширди"

С.Е.Эргашев

И.Н.Назаров

Ф.М.Сабитов

Handwritten signatures and initials in the right column.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI



THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN  
THE MINISTRY OF HIGHER AND  
SECONDARY SPECIAL EDUCATION

ISLON KARIMOV NOMIDAGI  
TOSHKENT DAVLAT  
TEXNIKA UNIVERSITETI

100095, Toshkent sh.,  
Universitet ko'chasi, 2. Tel.: 71-246-46-00,  
Faks: 71-227-10-32. E-mail: [tstu\\_info@tdtu.uz](mailto:tstu_info@tdtu.uz)

TASHKENT STATE TECHNICAL  
UNIVERSITY NAMED AFTER  
ISLAM KARIMOV

100095, University str., 2,  
Tashkent, phone: 71-246-46-00.  
Fax: 71-227-10-32, E-mail: [tstu\\_info@tdtu.uz](mailto:tstu_info@tdtu.uz)

№ 01/8-14-46.

“10.” 02 2022 y.

**Toshkent shahar IIBB  
boshlig'i general-mayor  
A.A.Tashpulatovga**

**Hurmatli, Aziz Anvarovich !**

Toshkent shahar Olmazor tumanida joylashgan Islom Karimov nomidagi Toshkent davlat texnika universitetida 2021-2022 o'quv yilida 19302 nafar talabalar tahsil olib, shundan 3553 nafari universitet yotoqxonasida istiqomat qilib kelmoqda.

Universitet binolari, hududi va talabalar turar joylarida jamoat tartibini saqlash, jamoat xavfsizligini ta'minlash, huquqbuzarliklar va jinoyatchilikning barvaqt oldini olishni yanada kuchaytirish maqsadida 2022 yil universitetga alohida 2 (ikki) nafar profilaktika katta inspektorlari ajratilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, universitet rahbariyati Sizdan 2022 yil uchun 2 (ikki) nafar profilaktika katta inspektorlarini universitetga ajratib, belgilangan tartibda shartnoma tuzishingizni so'raymiz.

*Hurmat bilan*

Rektor



**S.Turabjanov**